# Мўминларнинг қай бири зийракроқ?




10:31 / 04.07.2023    2702

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдим. Ансорлардан бир киши келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, мўминларнинг қай бири афзал?» деди. «Уларнинг хулқи гўзалроғи», дедилар. «Мўминларнинг қай бири зийракроқ?» деди. «Уларнинг ўлимни кўпроқ зикр қилгани ва унга яхшироқ тайёргарлик кўргани. Ана ўшалар зийраклардир», дедилар».

*Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.*